

РАШИДОВ Фируз Туйғунович
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ ВА ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ СИЁСАТИ

THE POLICY OF BUILDING A DEMOCRATIC, LEGAL, AND SECULAR STATE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ПОЛИТИКА РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН ПО СТРОИТЕЛЬСТВУ ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО, ПРАВОВОГО И СВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат қуриш сиёсатининг назарий асослари, амалий механизмлари ҳамда ҳуқуқий жиҳатлари атрофлича ёритилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқи таҳлил қилиниб, миллий қонунчилик нормалари билан уйғунликда кўриб чиқилади. Шунингдек, мавзунунг долзарблиги, муаммолари ва истиқболлари ҳақида илмий фикрлар илгари сурилади.

Abstract. This article comprehensively covers the theoretical foundations, practical mechanisms, and legal aspects of the policy of building a democratic, legal, and secular state in the Republic of Uzbekistan. President Shavkat Mirziyoyev's speech at the 80th session of the UN General Assembly will be analyzed and considered in accordance with the norms of national legislation. Scientific opinions on the relevance, problems, and prospects of the topic are also put forward.

Аннотация. В данной статье всесторонне освещаются теоретические основы,

практические механизмы и правовые аспекты политики построения демократического, правового и светского государства в Республике Узбекистан. Анализируется выступление Президента Шавката Мирзиёева на 80-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН и рассматривается в гармонии с нормами национального законодательства. Также выдвигаются научные мнения об актуальности, проблемах и перспективах данной темы.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, давлат қурилишида демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат барпо этиш ғояси давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бу йўналиш нафақат миллий давлатчилик пойдеворини яратишда, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий тизимни шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз “суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” сифатида белгиланган бўлиб, бу давлат ва жамият ҳаётида дунёвийлик, ҳуқуқ устуворлиги ва инсонпарварлик принципларини мустаҳкамлайди [1:1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат қурилиши, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимиятининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу жараёнлар мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга, дунё ҳамжамияти билан тенг ва конструктив муносабатлар ўрнатишга замин яратди.

Дунёвийлик тамойили инсоният цивилизацияси тараққиётида юзага келган энг муҳим ғоялардан бири бўлиб, унинг асосида дин ва давлат ишларининг ажратилганлиги ётади. Бу ғоянинг илдизлари XVIII аср маърифатпарварлик даврида пайдо бўлган

бўлиб, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Руссо каби мутафаккирлар давлат фаолиятида ақл ва ҳуқуқ устуворлиги ғоясини илгари сурганлар [2:2]. Дунёвий давлат концепцияси кейинчалик халқаро ҳуқуқ тизимида ҳам мустаҳкам ўринга эга бўлди.

XX асрдаги жаҳон урушлари ва тоталитар тузумлар тажрибаси давлат ва дин муносабатларида нейтраллик принципини янада мустаҳкамлади. 1945 йилда ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг мақсадларидан бири тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлди. 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсоннинг фикр, виждон ва дин эркинлиги фундаментал ҳуқуқ сифатида эътироф этилди [3]. Бу эса дунёвий давлат тамойилининг халқаро меъёрий асосини белгилаб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТ ва унинг махсус тузилмалари билан ҳамкорликни устувор йўналишга айлантирди. 1992 йилда БМТга аъзо бўлган Ўзбекистон шу пайтдан бошлаб тинчлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол иштирок этиб келмоқда [4:4].

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 80-сессиясидаги нутқи мамлакат ташқи сиёсатидаги янги босқични белгилади. Нутқда халқаро низоларни дипломатик йўл билан ҳал қилиш, глобал тенгсизлик ва иқлим ўзгариши каби муаммоларни бартараф этишда давлатлар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасини тинчлик ва барқарорлик маконига айлантириш ғояси илгари сурилди [5:5]. Президент БМТ Хавфсизлик Кенгашини трансформация қилиш ва ривожланаётган давлатлар манфаатларини ҳимоя қилувчи адолатли механизмларни яратиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида “давлат ҳокимиятининг ягона манбаи — халқдир” деб белгиланган бўлиб, бу демократиянинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Демократия сиёсий плюрализм, сўз ва ахборот эркинлиги, адолатли сайлов тизими

ҳамда фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштирокини англатади [6:1].

Сўнгги йилларда сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиб, сайлов жараёнларига халқаро кузатувчилар жалб этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бу жараёнлар фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва жамоатчилик назоратининг амалга ошишига хизмат қилмоқда.[7:1].

Ҳуқуқий давлат қуришда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазифа этиб белгиланган. Конституциявий суд, Олий суд ва Омбудсман институтининг фаолияти кучайтирилди, коррупцияга қарши кураш ва суд мустақиллиги тамойиллари мустаҳкамланди. Суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартларга мос механизмлар яратилмоқда.

Дунёвийлик тамойили Ўзбекистон давлат сиёсатининг асосий устуни сифатида белгиланган. Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир фуқарога виждон эркинлиги кафолатланган [8:1]. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда давлатнинг диндан ажратилганлиги ва диний таълим фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши белгиланган.

2025 йил 25 февралда қабул қилинган “Фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси” ушбу соҳадаги муносабатларни тизимли асосга қўйди. Концепциянинг асосий мақсади – фуқароларнинг диний эркинлигини кафолатлаш, экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш, ёшлар онгида бағрикенглик ва дунёвий кадриятларни мустаҳкамлашдан иборатдир [9:8].

Президент Ш.Мирзиёев нутқида таълим, иқтисод ва ижтимоий соҳалардаги ислохотлар натижалари қайд этилди: камбағаллик даражаси 35% дан 6,6% гача пасайди, мактабгача таълим қамрови 27% дан 78% гача, олий таълим қамрови 9% дан 42% гача ошди. “Яшил иқтисодиёт”, инновацион саноат, транспорт ва логистика соҳаларида кенг ислохотлар амалга оширилди.[10].

Президент нуткида, шунингдек, ёш авлод тарбиясига катта аҳамият қаратилди ва “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати” ташаббуси илгари сурилди. Шу билан бирга, Ислом цивилизацияси марказини очиш, буюк алломалар меросини жаҳон ҳамжамиятига тақдим этиш режаси билдирилди. Бу ташаббуслар мамлакатнинг маънавий-ахлоқий ҳаётида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат қуриш сиёсати миллий тараққиётнинг стратегик асосидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи ушбу сиёсатнинг халқаро ифодаси сифатида халқаро ҳамжамият олдида Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва инсонпарвар мамлакат эканлигини намоён этди [11].

Келгусида демократик институтларни янада ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятининг таъсири-ни кучайтириш, давлат ва дин мувоза-натини сақлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Бу вазифалар “Янги Ўзбекистон” концепциясининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Locke J. Two Treatises of Government. – London, 1690.
3. United Nations. Universal Declaration of Human Rights. 1948.
4. United Nations Membership Records. 1992.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/8525>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
6. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. 26.06.2019 // <https://lex.uz/docs/4386848>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-1037-сон Қонуни. 25.02.2025. // <https://lex.uz/docs/7404923>. Мурожаат санаси: 24.10.2025.
8. Президент Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” концепцияси. – Тошкент, 2021.
9. United Nations. General Assembly Reports. 2025.